

## **Сирдарё вилояти “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси” ДУКдаги ўрганиш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.10.2022 йилдаги ПҚ-408-сон ва 17.11.2022 йилдаги ПҚ-425-сон қарорлари ижроси юзасидан ижтимоий ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларга ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланганлиги бўйича назорат тадбири ўтказилди.

### **Ўрганишлар натижасида қатор хато ва камчиликлар аниқланди.**

2022 йил инвестиция дастурига киритилган **4 та** объект бўйича иш турларига ШНҚ меъёрларини нотўғри қўлланилиши натижасида смета қийматлари **269,0 млн сўмга асоссиз оширилган.**

14 та объект шартномада белгиланган муддатлардан кечиктириб топширилган, 3 та объект фойдаланишга топширилмаган. Пудратчи ташкилот томонидан ушбу объектларнинг муддатидан кечиккани учун **1 119,0 млн** сўм пеня ҳисобланмаган;

ПҚ-408-сонли қарорга асосан манзилли дастурга киритилган **4 та** объектга 2023 йил учун **2,14 млрд** сўм маблағ ажратилган бўлсада, бугунги кунга қадар **тендер савдолари ўтказилмаган.**

**Гулистон шаҳрининг “Янги Ҳаёт” массивида** барпо этилаётган кўп қаватли уйларнинг ташқи ичимлик сув тизимини қуриш объектида бажарилган ишлар қиймати **1 401,7 млн** сўмга **асоссиз** ошириб тўловга тақдим қилинган ва бюджетдан маблағ молиялаштириб берилган.

Назорат тадбири якуни билан расмийлаштирилган ҳужжатлар тўплами ҳуқуқий баҳо бериш учун **Бош прокуратурага** юборилди.